

“ТАСДИҚЛАЙМАН “

Наманган вилояти Наманган
тумани мактабгача таълим
бўлими мудир

 О.Хўжаев

БУЮРТМАЧИ:

Наманган туман мактабгача таълим бўлими

*Наманган вилояти Наманган тумани
№ 3-МТТни Капитал таъмирлаш ишлари*

Танлов хужжатлари

Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълим бўлими

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 Наманган вилояти Наманган туманидаги № 3 МТТ ни Капитал таъмирлаш ишлари
- 1.2. Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълими бўлими , (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Наманган тумани кичик тошбулок МФЙ.

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

- 2.3. Танлов Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълими бўлими биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи миқдори.

- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

- 3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришга лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмунмоҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачисибундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

№ 1илова

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати

1. Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш бўйича кафолат
2. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот.
3. Давлат руйхатидан утганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари.
4. Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот.
5. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 3 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот.
6. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот
7. Қурилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тўғрисидаги маълумот
8. Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги
9. Танлов иштирокчисининг йилик Молиявий натижаси

Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жihatдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

№	Критерийларноми, мазмуни	Энгюокори балл	% хисобида
1.	Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат	20	90%
2.	Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот	10	
3.	Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари	10	
4.	Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.	15	
5.	Охирги 3 йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси.	20	
6.	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи	15	
7.	Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот	10	
8	Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги	15	
9	Танлов иштирокчисининг йилик Молиявий натижаси	10	
10	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)		10 %

“ТАСДИҚЛАЙМАН“

Наманган вилояти Наманган
тумани мактабгача таълим
бўлими мудири



О.Хўжаев
О.Хўжаев

Техник топширик
БУЮРТМАЧИ

Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълим бўлими-2022

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Наманган вилояти Наманган тумани № 3 МТТни капитал таъмирлаш ишлари Жами бошланғич сумма : 118411000 сўм
2	Буюртмачи	Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълими булими
3	Бажарувчи	Танловдан сўнг аниқланади
4	Объект жойлашган манзил	Наманган вилояти, Наманган тумани кичик тошбулок МФЙ.
5	Иш бошланиши ва тугалланиши	2022 йил Сентябрь– 2022 йил Октябрь
6	Маблағ манзили	Бюджет
7	Алоҳида талаблар	Ишлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан қабул қилиб борилади
8	Танлов шarti	1) Иш тажрибаси: Танлов қатнашчиси ушбу топширикдаги хизматга доир иш тажрибага эга бўлиши керак. 2) Танлов иштирокчиси курсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак.
9	Тўловлар шarti	Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва счёт фактура асосида